

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЊНАВИЯТНИНГ РОЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-707-711>

Равшанбек Маҳмудов

Гулистон давлат университети профессори

Фалсафа фанлари номзоди

ravshanbek.jalilovich@mail.ru

Хушноза Маҳмудова

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар Университети

Мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистонни янги инсонларини, мутахассисларини шакллантиришида мањнавиятлиликнинг аҳамияти беқиёс. Қадимдан халқимиз мањнавиятли-маърифатли бўлган, улар халқ оғзаки ижодини, мањнавий меросларимизни, мутафаккирлар илмий асарларини яхши билганлар. Тараққиёт стратегиясини амалга оширишида мањнавият ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Калит сўзлар: мањнавият, маърифат, мутафаккир, стратегия, тараққиёт, Янги Ўзбекистон, дунёқараши, миллий гоя.

АННОТАЦИЯ

Роль духовности в формировании новых людей и специалистов нового Узбекистана несравнима. Наш народ издревле духовно просвещен, знает фольклор, наше духовное наследие, научные труды мыслителей. Духовность играет решающую роль в стратегии развития.

Ключевые слова: духовность, просвещение, мыслитель, стратегия, развитие, Новый Узбекистан, мировоззрение, национальная идея.

ABSTRACT

The role of spirituality in the formation of new people and specialists of the new Uzbekistan is incomparable. Our people have been spiritually enlightened since ancient times, they know folklore, our spiritual heritage, the scientific works of thinkers. Spirituality plays a decisive role in the development strategy.

Key words: spirituality, enlightenment, thinker, strategy, development, New Uzbekistan, outlook, national idea.

КИРИШ

“Биз учун маънавият-инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.

Бошқача айтганда, маънавият-жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир”, [1.267.] – деб ёзган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида.

Бугун тилимизга “Янги Ўзбекистон”, “Беш ташаббус”, “Ҳаракатлар стратегияси”, “Тараққиёт стратегияси” каби иборалар кириб келди. Бу янги ибораларда мамлакатимиздаги ислоҳотлар ўз аксини топган. Юнон файласуфи Сукрот айтганидек, “Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартириши лозим”. Инсон ўзини қандай ўзгартиради? Инсон жамиятда яшайди. “Энг катта бойлик-бу ақл заковат ва илм, энг яхши мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик-бу билимсизликдир” [2.24.], - деган Президентимиз ҳақ эдилар. Негаки мамлакат тараққиёти ёшлар қўлида, мутахассислар салоҳиятига, билимига боғлиқ экан, демак уларни дунёқарашини ўзгартириш, миллий ғояни сингдириш, аввало, ижтимоий-гуманитар фанларни яхши ўқитиш орқали амалга ошади.

“...биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренасанс пойдеворини яратища зиёлиларимизга катта ишонч билан қараймиз” [3.42.]. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга оширища зиёлиларнинг ўрни бекиёс каттадир. Зиёлилик – билимдонлик, маънавиятлилик, маърифатлилик орқали намоён бўлади.

Маънавият – жамиятнинг юраги, кўксидаги туморидир. Тумор - инсонни яхши – ёмондан асрагани каби маънавият ҳам жамиятни яхши – ёмондан асрайди. Яна ҳам тўғрироғи маънавиятсиз – жамият йўқ. Жамиятнинг тараққиёти унинг ҳаракатлантирувчи кучига боғлиқ. Жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи эса – бу халқ. Халқ тафаккурини, умуман дунёқарашини ўстирмасдан, ўзгартирмасдан маърифатни юксак поғонага кўтармасдан туриб юксак маънавиятлиликка эришиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 марта имзолаган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида қуйидаги фалсафий фикрлардан огоҳ бўламиз: “маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кучайтириш, мамлакат ахолиси, аввало,

ёшлар қалбida амалга оширилаётган ислоҳотларга даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш” зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, “жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни, умуммиллий ҳаракатга айлантириш” ҳамда “маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш”, “маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш” каби ўта долзарб вазифалар Қарорда белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, мамлакат тараққиёти биринчи галда ёшларга боғлиқ. Ёшларни ақл-идрокли, билимли, ориятили, дид-фаросатли қилиб тарбиялашимиз шарт. Ёшлар тарбиясида, аввало, оила масъул. Кўпинча ота-оналар ўз айбларини мактабга ағдарадилар. Ҳолбуки, мактабнинг биринчи галдаги вазифаси болага билим беришдир. Болани шахс сифатида шаклланиши оиласа боғлиқ. Конституциямизда оила – давлатнинг кичик ячейкаси деб бекорга белгилаб қўйилмаган.

Давр оила олдидағи вазифаларни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Инсон турмуш тарзини янгилаш, ўзгартиришни давр тақозо қилмоқда. Янги турмуш тарзининг шакллантиришда маънавиятнинг роли бекиёсдир. Қарор **Янги Ўзбекистонни янги ёшлари дунёқарашини ҳосил қилишига** хизмат қилади.

Халқимиз қадимдан маънавиятли бўлган. Бутун дунё халқларига ўз билимлари, эътиқодлари, мардликлари, ватанпарварликлари, оилапарварликлари, тарбиячиликлари билан ўрнак бўлиб келганлар.

Қадимдан халқимиз – оилапарвар бўлган. Оила – муқаддасдир. Оила – маънавиятлиликни шакллантириш воситасидир. Қуръони Каримда “фарзандлар – жаннат раёнларидир” – деган фикр келтирилган. Фарзандларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш эса эр-хотинни инсонийлик фарзларидир. Ислом таълимотида оила, фарзанд тарбияси, инсонлар ўртасида иззат-ҳурмат муҳим эканлигини кўрсатиб ўтилган. Мутафаккир Шайх Азизиддин Насафий: “Комил инсонда тўрт нарса камолга етган бўлади: - яъни яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат” – деган эди. Бу тўрт, айтиш мумкин бўлса фарзни болага аввало, ота-она ўргатиши керак бўлади. Чунки, маънавиятли оила – жамият таянчи ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР

Қарорда “2021-2023 йилларда Маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш” вазифаси белгиланган. Ҳар бир туман, қишлоқ марказларида

Маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш бу ёшлар дунёқарашини ўзгартиришига, миллий урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизга хурмат билан муносабатда бўлишига ўргатиши шубҳасиз. Шу билан биргаликда ҳар бир маҳалла гузарларида, ҳар бир ташкилот биносида зиё маскани “Маънавият ва маърифат” хоналари ташкил этилса бу хонада Муҳтарам Президентимиз асарлари “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси”, “Ҳуррият”, “Ишонч” каби газеталар “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт”, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи” каби журналлар мавжуд бўлса ташкилотга, корхонага ташриф буюрган фуқаролар ёки ишчи-хизматчилар бундай зиё масканидан яхшилик, эзгулик, инсонийлик нурларидан баҳраманд бўлардилар.

Қарорда “2021-2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимининг тегишли таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалавриат босқичида “Маънавиятшунослик”, магистратура босқичида “Касбий маънавият” фанлари киритилиши кўрсатиб ўтилган. Бу топшириқ тўлиқ ижро қилинса мутахассисларимизнинг маънавиятлилик даражаси талаб даражасида бўлиши мумкин.

МУҲОКАМА

Муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеселекторда айтган **“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”**, - деган фалсафий фикри мамлакатимиздаги барча раҳбарларни, айниқса, зиёлиларни янада хушёр торттирди. Демак, жамиятда маънавиятни роли, аҳамияти беқиёс даражада юксак. Маънавиятлиликни шакллантириш нафақат боғча, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлари олдидаги вазифалар эмас балки бутун инсоният олдидаги инсоний масъулиятдир. “Маънавиятшунослик” фанида Марказий Осиё мутафаккирлари илмий меросларини, Ахлоқ, Нафосат, Мантиқ фанларини ҳам қамраб олса яхши бўлади. Аввало бу инсонийликни шакллантирадиган фанлар алоҳида-алоҳида ўқитилса янада яхшироқ, фойдалироқ бўларди. Маънавиятлик инсонга хос. Демак, инсонларни, айниқса, Янги Ўзбекистонни янги ёшлари юксак маънавиятли, юксак билимли, юксак дидли, юксак фаросатли, юксак ақлли, билимли, етук мутахассис бўлиши зарур. Қарор Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга хизмат қиласиган энг муҳим

хужжатдир. Эндиgi асосий вазифа эса Президент имзолаган табаррук қарорни барча бандларини вижданан бажариш унинг мазмун-моҳиятини халққа етказишидир.

ХУЛОСА

Жамият мавжуд экан, унда инсонлар яшайди. Жамиятнинг тараққиёти хоҳлаймизми ёки йўқми билимга, маърифатга, маънавиятга, инсонларнинг дунёқарашига боғлиқ. Маънавият мамлакатда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг асоси ҳисобланади. Чунки қабул қилинаётган барча фармон ва қонунлар инсон манфаати учун хизмат қилиши зарур.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2021 йил, 267-бет.
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2021 йил, 24-бет
3. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2021 йил, 42-бет.
4. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти – 2017 йил.
5. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
6. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyuning “Latoif ulg’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.
7. Adashova, M. (2022) Abu Mansur Moturidiy falsafiy merosida shaxs ma’naviyatini yuksaltirish masalalari. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social science. 2 (1) ISSN 2181-1784.